

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ДИНИЙ СИЁСАТИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ МИСОЛИДА)

Шерзод РАВШАНОВ

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Навоий давлат университети

Навоий, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Россия империясининг Фарғона вилояти шаҳарларидаги ижтимоий сиёсати, жумладан, диний соҳада олиб борган сиёсати масалалари мавжуд манбаларнинг қиёсий таҳлили асосида ёритилган.

Таянч сўзлар: версть, Скобелев, “Туркистон эпархияси”, “Муқаддас Синоднинг Туркистон бўлими”, православ, немис-меннонит, молокан, старовер, баптист, протестант, католик, арриан, хлист, “Муқаддас ота”, “Худо дуолари”, Рождество байрами.

РЕЛИГИОЗНАЯ ПОЛИТИКА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ (НА ПРИМЕРЕ ГОРОДОВ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ)

Шерзод РАВШАНОВ

Доктор философии (PhD) по историческим наукам

Наваийский государственный университет

Навай, Узбекистан

Аннотация

В статье на основе сравнительного анализа имеющихся источников освещается социальная политика Российской империи в городах Ферганской области, в том числе политика, проводимая в религиозной сфере.

Ключевые слова: Версть, Скобелев, «Эпархия Туркестан», «Туркестанский отдел Святейшего Синода», православ, немец-меннонит, молокан, старообряд, баптист, протестант, католик, арриан, хлыст, «Святой отец», «Молитвы к Богу», праздник Рождества.

Россия империяси Қўқон хонлигини тугатиб, Фарғона вилоятини ташкил этиши давомида кўчириб келтирилган русийзабон аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш борасида кўплаб чора-тадбирларни амалга оширган эди. Дастлаб Қўқон шаҳри Фарғона вилоятининг маркази сифатида танланган бўлса-да, бу шаҳар чанг-тўзонли, шамол эсиб туриши, марказда эмаслиги, суви ва ҳавоси фойдаланишга яроқсиз деб топилиб, Марғилон шаҳридан 7 версть (1 версть–1.06 км) масофада жойлашган ҳудудда Янги Марғилон (кейинчалик Скобелев, Фарғона) шаҳри қурилди. Янги Марғилонда почта идораси, телеграф, ҳарбий губернатор биноси, зобит

(офицер)лар уйи, боғ-роғлар (парк), уй-жойлар, ҳарбийлар казармаси, черков биноси қурилди. Шаҳар инфраструктурасига кўра қад кўтариши керак бўлган бинолардан бири черков бўлиши табиий ҳол эди. Шаҳарда аҳоли сони жуда тез ўсиб бориб, унда 1916 йилда 16.029 нафар киши истиқомат қилар эди, аҳолининг асосий қисми руслар эди [1]. Аҳоли асосан христиан динидаги православлар бўлиб, немис-меннонит, молокан, старовер, баптист, протестант. католик, арриан, хлист каби диний конфессиядагилар оз сонли эди.

Шаҳарда ҳарбийлар кўп сонли бўлиб, ҳарбийлар, турли касбдаги рус фуқаролари битта черковда диний маросимларни, ибодат амалларини бажарган. Черков кўчиб келган аҳоли маънавий эҳтиёжларини қондиришда (болага исм қўйиш, никоҳ маросимини ўтказиш, чўқиниш, Рождество байрамини ўтказиш, вафот этганлар билан видолашиш ва ҳоказо) муҳим жамоат биноси ҳисобланган. Черков, ибодат уйлари (намозхона ва бошқа диний муассасалар) қуриш ишларини йўлга қўйишда Россия империяси ҳукумати томонидан таъсис этилган “Туркистон эпархияси”, “Муқаддас Синоднинг Туркистон бўлими” каби ташкилотлар фаолият юритиб, улар ҳисобига катта маблағлар ўтказилган.

Архив манбаларида “Муқаддас Синоднинг Туркистон бўлими” томонидан Туркистон генерал-губернатори номига юборилган кўплаб хатлар сақланган. Бу хатларда кўчирилган русийзабон аҳоли учун черков қуриш ва очишни йўлга қўйиш, ушбу муассаса кўчирилганлар маънавий эҳтиёжини қондиришда муҳим эканлиги таъкидланган [2]. Рус деҳқонлари истиқомат қиладиган шаҳар, қишлоқ ва посёлкаларда черков ёки ибодат уйлари барпо этишга 1 – 1,5 десятина ер майдонлари ажратиш, қурилиш ишларига муҳандис-қурувчи ва лойиҳачиларни жалб этиш масалалари алоҳида хат ва билдиришларда таъкидланган [3].

Айниқса, Фарғона вилояти шаҳар ва қишлоқларида диний муассасалар қуришга алоҳида эътибор қаратилганлигини манбалар тасдиқлайди. Туркистон генерал-губернаторининг Тошкентда 1910 йил 15 августда

ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида Фарғона вилоятида черковлар қуришлиши масаласи алоҳида муҳокама қилинган. Черковларнинг русийзабон аҳоли маънавий-руҳий эҳтиёжлари учун аҳамияти ниҳоятда катталиги қайд қилинар экан, бу борадаги ишлар суст ва қониқарсиз эканлиги танқид остига олинган [4].

Черковлар қуриш ишлари 1890 йилларданок, яъни Фарғона вилоятига аҳолини кўчиришнинг дастлабки босқичида Покровское посёлкасидан бошланган. Посёлкада аввал ибодат уйи қурилиб, диний маросимлар шу бинода адо этилган. Бироқ 1901 йилга келиб черков биноси тўла-тўқис ишга тушган. Черков биноси Россия империяси марказий губернияларидаги черковлар лойиҳаси асосида пишган ғиштдан қад кўтариб, унинг томи металл қоплама билан бостирилган, темир панжарали дарвозаси, икки томондан қириладиган эшиклари, ойнаванд ёруғлик тушадиган панжарали деразалари мавжуд бўлган. Черков полли, маҳобатли бўлишига эътибор қаратилган [5]. 1907–1910 йилларда Фарғона вилоятида рус деҳқонлари истиқомат қиладиган посёлка ва қишлоқларда черков қурилиши ишлари тезлашгани кўзга ташланади. 1907 йилгача 3 та, 1909 йилгача 5 та, 1910 йилда Жигиртол ва Қорадеҳқонда 2 та черков қурилиши билан уларнинг сони 7 тага етган.

Аҳоли кам сонли бўлган қишлоқ ва посёлкаларда ибодат уйлари қурилиб, улар сони 10 тадан ортиқ бўлган. 1907 йилга қадар вилоят уездларидаги посёлкалар сони – 18 та ва Скобелев уездидаги рус қишлоғида 1 та (жами 19 та) рус қишлоғи мавжудлиги ҳисобга олинса, деярли барчасида черков ва ибодат уйлари бўлган. Покровское посёлкаси ва рус қишлоғида 200 дан ортиқ хонадонлар истиқомат қилиши ҳисобга олинса, уларда 2 тадан черков мавжуд бўлган [6].

Фарғона вилояти уездларида 1907 йилда черков биноси қурилиши режалаштирилган посёлкалар қаторида Жигиртол, Қоратикан, Мирзаки, Кўк ёнғоқ, Жиланди, Тошбошат қабилар бор эди. Бироқ черков қуриш, унинг ички қисмини талаб даражасида безаш, бинода қурилиш-таъмирлаш

ишларини олиб бориш ўз даври пул ҳисобида катта харажатларни ташкил этарди.

Жумладан, Кетмонтепадаги Алексеевка посёлкасидаги черковга давлат хазинасидан 25.000 рубль сарфланиб, черков қошидаги приход мактаби учун 5.000 рубль, кўринмас харажатларга эса 225 рубль маблағ талаб этилган [7]. Андижон уездида қирғизлардан тортиб олинган рус посёлкаларида 50 хонадонга ибодат уйи ва черков қуриш учун 136.000 минг рубль маблағ талаб этилган.

Шунингдек, Наманган уезди рус посёлкаларида хотин-қизлар монастри, Жулен посёлкасида черков ва черков қошида приход мактаби қуриш, Ўзган ва Ясси волостларида черков қуриш ишларига 250.000 минг рубль маблағ харажат қилинган [8]. Черков қуриш ишларини молиялаштириш учта манбадан амалга оширилиб, биринчидан, давлат хазинаси ҳисобидан, иккинчидан, земство маблағлари ҳисобидан, учинчидан, савобталаб шахсларнинг хусусий маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Фарғона вилоятида ўз ихтиёри билан кўчиб келганларга асосан давлат хазинасидан черков қуриш амалга оширилганлиги маълум бўлади. Тарихий далиллар бу масалада бир-бирини инкор қилади. Айрим манбаларда 1911 йилда рус посёлкалари ва рус қишлоқларида 7 та черков мавжудлиги қайд этилса, архив ҳужжатларида 15 черков, ўнлаб ибодат уйлари қурилганлиги билан боғлиқ маълумотлар келтирилган [9]. Россия империяси ҳукумати черковлар очиш, аёллар ибодатхонаси (монастри) қуриш каби жиҳатларга катта эътибор қаратди. Черковларни руҳоний (“Муқаддас ота”), руҳоний ёрдамчиси, дьякон, қўнғироқ чалувчи монах ва монашка кабилар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Черковлар қошида приход мактаблари, эркак ва хотин-қизлар билим юртлари ташкил этилди. Уларнинг айримларида руҳонийлар диний илмлардан сабоқ берди, руҳонийлар ва диний хизматчиларга моддий шарт-шароитлар яратилди.

Диний муассасалар қошидаги мактаб ўқитувчилари 1910–1912 йилларда ҳар йили 1500 рубль маош, 500 рубль озиқ-овқат пули, кийим-кечак

учун 250 рубль, шунингдек, 100, 150 рубль миқдорида ижара пули ҳам олган. Рухоний ёрдамчиси 750–850 рубль, дьякон 650 рубль маош олган. Улар черковга деҳқонлар олиб келган хайр-эҳсондан ҳам баҳраманд бўларди. Черков қошидаги мактаблар ва билим юртларига ҳар йили давлат хазинасидан дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув қуроллари учун 100 рубль, хунарамандчиликка ихтисослашган инвентарлар учун 800 рубль, черков таъминоти учун 300 рубль ажратилган. Агар ўқитувчи алоҳида хона ёхуд ижарада турса, унга йилига 500 рубль миқдорида ижара пули ҳам берилган [10]. Черков ҳузуридаги ўқув юртларида “Худо дуолари” (диний билим) билан бирга одоб-ахлоқ тарбияси, ҳисоб-китоб (арифметика), жуғрофия, рус тили ҳам ўқитилган. Асосан савод чиқаришга қаратилган бу ўқув муассасалари черков биносида ёхуд черков қошидаги алоҳида бинода жойлашган. Улардаги ўқувчилар 2–3 йил таълим олиб, қиз-йигитлар, бирга, ёки алоҳида ўқитиладиган синфлар бўлган. Хонадони кўп сонли посёлкаларда таълим оладиган ўғил-қизлар сони 120–150 нафарни, айримларида 190–200 нафарни, кичик қишлоқларда 10 тадан 35 тагача, кўпи билан 40–50 тагачани ташкил этарди [11].

Хуллас, черков ва ибодат уйлари кўчирилган рус аҳолисини маънавий-руҳий, маиший турмушида эҳтиёжманд бўлганлигини тарихий далиллар кўрсатади.

Туркистон архиепископлиги (архипастр) га 1901 йил 5 сентябрда йўлланган билдиришномада Фарғона вилоятида давлат хазинаси ҳисобидан шаҳар, уезд ва қишлоқларда қурилган ва истиқболда қад кўтарадиган черковлар, улардаги ибодат қиладиган художўй христианлар сони ва ажратилган ҳаражат сметаси кабилар аниқ рақамларда келтирилган. Жумладан, Қўқон шаҳрида 400 нафар кишига мўлжалланган черков ва уни қуришга 75.000 рубль ажратилган. Ўш шаҳрида ҳам шунча киши ибодат қиладиган черковга 39.333 рубль ҳаражат этилган [12].

1899 йилга қадар Фарғона вилояти шаҳар ва қишлоқларида рус аҳолининг диний эҳтиёжини қондириш мақсадида 5 та черков ва 4 та ибодат уйлари фаолият юритган эди [13].

1899 йилда Фарғона вилоятида православ оқимиға мансуб ва бошқа эътиқоддагилар қўшиб ҳисобланганда христианлар сони қуйидагича бўлган [14].

	Худуд	сони	№	Худуд	Сони
1	Янги Марғилон шаҳрида	3.006	7	Наманган уездида	900
2	Эски Марғилон шаҳрида	44	8	Андижон шаҳрида	642
3	Марғилон уездида	978	9	Андижон уездида	532
4	Қўқон шаҳрида	1.000	10	Ўш шаҳрида	450
5	Қўқон уездида	481	11	Ўш уездида	701
6	Наманган шаҳрида	543		Жами:	9.783

Ушбу русийзабон аҳолининг 0.04 фоизи старообряд, баптист, евангел, ариан, молокан, протестант каби ўнлаб христианлик оқимларига мансуб эди. Фарғона вилоятининг шаҳарларида ҳарбийлар учун ҳам черковлар фаолият юритиб, Қўқонда Александрo-Невская, Андижонда Сергеевский, Ўшда Михаило-Архангельская, Наманганда ҳам шу номда, Қўқонда Константино-Еленинская деб аталган ҳарбийларнинг черковлари фаолият юритган [15]. Бу черковларда ҳарбийлар ва уларнинг оила-аъзолари ибодат қилган. Мазкур черковлар сифими 250–300 кишига мўлжалланган. Вилоят шаҳарларидаги русийзабон проваслав аҳоли ҳам ҳарбий черковларга диний эҳтиёжларини қондириш учун қатнаган эди [16].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Фарғона вилояти Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилганидан сўнг, шаҳар ва уездларда кўчирилган русийзабон аҳолининг маънавий-руҳий, маиший-маърифий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ибодат уйлари ва черковлар қуриш ишларига эътибор қаратилганди.

Фарғона вилояти шаҳар ва уездларида кўчирилган аҳолининг диний эҳтиёжларини қондириш учун черков, ибодатхона (намозхона), диний-маориф муассасалари қуришда “Туркистон эпархияси” асосий ташкилотчи бўлиб майдонга чиқди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, империя маъмурияти русийзабон аҳолига қанчалик ғамхўрлик кўрсатмасин, черковлар қурилиши ўлда-жўлда бўлиб, аҳоли диний эҳтижини қоплай олмаган эди. Бу даврда черков қуриб бериш билан боғлиқ рус шаҳар ва посёлкалари аҳолисининг кўп бор қилган мурожаатлари инобатсиз қолдирилган. Бунинг асосий сабаби ҳукумат маблағлари етмаслиги, давлат хазинасидаги тақчилик ва қурилишдаги талон-тарожликлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шарафиддинов А. Фарғона шаҳрига асос солиниши ва ривожланиши тарихидан (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари) //Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари: мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Наманган, 2022. – Б.158.
2. Ўзбекистон миллий архиви, И-1-фонд, 9-рўйхат, 276-йиғма жилд, 21,22,23,24-варақлар.
3. О Колонизации Туркестана //Речь, 1908. – №46.
4. Ўзбекистон миллий архиви, И-1-фонд, 9-рўйхат, 276-йиғма жилд, 27,28-варақлар.
5. Ўзбекистон миллий архиви, И-961-фонд, 1-рўйхат, 15589-йиғма жилд, 45,46,47,48-варақлар.
6. Статистический обзор Ферганский области за 1910 год.- Г.Скобелев,1912.-С.6
7. Ўзбекистон миллий архиви, И-1-фонд, 9-рўйхат, 276-йиғма жилд, 28-варақ, 28 варақнинг орқаси.
8. Ўзбекистон миллий архиви, И-1-фонд, 9-рўйхат, 276-йиғма жилд, 29-варақ, 29-варақнинг орқаси, 35-варақ, 35 варақнинг орқаси.

9. Статистический обзор Ферганский области за 1907 год. –С.6; 1910 год.-С.5-6; 1911 год.-С.5; Ўзбекистон миллий архиви, И-961-фонд, 1-рўйхат, 28886-йиғма жилд, 16,17-варақлар.

10. Наша колонизация Средней Азии (Русские посёлки в Туркестан) // Туркестанский сборник. Том.429.-С.240-244.

11. Ўзбекистон миллий архиви, И-961-фонд, 1-рўйхат, 1878-йиғма жилд, 576-варақ, 1081-йиғма жилд, 89-варақ, 89-варақнинг орқаси.

12. Ўзбекистон миллий архиви, И-19-фонд, 1-рўйхат, 2464-йиғма жилд, 5-варақ.

13. Ўзбекистон миллий архиви, И-961-фонд, 1-рўйхат, 1317-йиғма жилд, 2-варақ, 2-варақнинг орқаси.

14. Обзор Ферганской области за 1889 год. -Г. Новый Маргелан. Тип.Ферг.обл.правления,1901.-С.81.

15. Обзор Ферганской области за 1889 год. -Г. Новый Маргелан. Тип.Ферг.обл.правления,1901.-С.82.

16. Ўзбекистон миллий архиви, И-19-фонд, 1-рўйхат, 28560-йиғма жилд, 196-варақ, 196-варақнинг орқаси.